

© Рашид Тўйчиев Абдуқодиров, 1965 йилда туғилган, Олий маълумоти. Меҳнат фаолияти 1982 йили «Тошкент трактор заводи» кишлак чикариш бирлашмасида ишчи сифатида бошлаган. 1983—1985 йилларда Термиз шаҳрида ҳарбий хизмати ўтаб қайтган. Яна бу бирлашмада дастлаб ишчи, сўнг бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. 1991—1994 йиллар мобайнида Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий комитети йуричиси, бўлим мудир вазифасини бажарган. 1994 йил март ойидан Тошкент шаҳар Ешлар Иттифоқи ташкилоти биринчи котиби.

— Ҳар бир етакчи янги иш жойига янги-янги режалар, мақсад ва вазифаларни маълум дастур доирасида жамлаб фаолият юритиш истагида келади. Сизнинг ўзингиз қандай мақсадлар билан иш бошладингиз? Келгуси режаларингиз қандай?

— Маълумки, яқинда бўлиб ўтган республика Ешлар Иттифоқининг XXVI курултойида янги Низом ва ташкилотимизнинг ҳаракат дастури қабул қилинди. Бизнинг бундан кейинги фаолиятимиз маана шу ҳужжатлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Қолаверса, биз давлатимиз олиб бораётган оқилона ва адолатли сиёсатнинг ёшлар орасидаги энг фаол тарғиботчилари бўлганимиз лозим. Келгуси режаларимиз ва уларнинг кенг таъдиқ этилиши ҳам ана шулардан келиб чиқади.

— Амалга оширишда бўлаётган ишларингиз ҳақида аниқ мисоллар келтира оласизми?

* Етакчи билан суҳбат

Нигоҳимиз келажакка қаратилган

— Албатта, Тошкент шаҳри аҳолисининг 60—65 фоизини 30 ёшга бўлган ёшлар ташкил этиб турган бир ҳолатда Ешлар Иттифоқи аъзолари сонининг атиги 62 мингдан иборатлигини қувонарли ҳол, деб бўлмайди. Мен ёшларни мажбуран, алдовлар, ёлгон ваздалар билан ташкилотимизга аъзо бўлишларига (этилишига) таъминла қаршиман. Аслида, уларнинг бизнинг тим-соллимизда ўзларининг елкадошлари, ҳаммаслаклари, масалақчилари, лозим бўлса ҳимоячиларини қўриб қўнгилли равишда сафимизга қўшилишларини истаётман.

Мен шаҳар ёшларининг етакчиси сифатида асосий диққат-этиборни ташкилотимиз аъзолари сонини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ўстиришни асосий мақсадларимдан бири сифатида санаб ўтишни истардим. Бундай муваффақиятга эса фақат ва фақат Ешлар Иттифоқининг обрў-этибори, ҳурмати тиклаш, янада ошириш, тим-сиё меҳнат ва машаққатлардан ҳайқилмай олга нитилиш ҳисобидангина эришиш мумкин.

— Бу эса ўз навбатида яна бир долзарб муаммо — малакали ҳодимлар тарбиялаш масаласини кун тартибига қўяди. Шундай эмасми?

— Яқин ва олин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, Ешлар Иттифоқи йиллар давомида халқ ҳўжалигининг барча маҳалларини малакали ҳодимлар билан таъминлаб келган. Ҳозирги кунда йирик корхона ва ташкилотларга раҳбарлик қилаётганларнинг кўпчилиги ўз пайтида бизнинг ташкилот «қозони»да қайнаганлар. Уларнинг эришадиган ютуқлари Ешлар Иттифоқининг негиз аълоднинг муносиб издошларини тарбиялашга қодир эканидан гувоҳлик беради. Лекин собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг мамоат ташкилотларига, жумладан бизга ҳам бўлган муносабат ўзгарган. Натижада ҳам-мамизга маълум, Ҳодимлар таъинлиги муаммоси олди-миюда кўндалан туриб қолди. Шу сабаб ташкилотчи, фаол, билимли, оловқалб ёшларни фаолиятимизга жалб этиш орқали ҳодимлар билан ишлаш (тарбиялаш) сиёсатини ҳам яхши йўлга қўйиб олиш керак бўлади. Ойа юртимизга етув, халол, виждонан пок, маърифатли йигит-қизлар сув ва ҳаводай зарур эканини бот-бот тақдирлаётган бир пайтда четда қараб туришимиз мумкин эмас.

— Эртага 30 апрелда Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Тошкент шаҳар ташкилотининг XXXII анжумани ва 75 йиллигига бағишланган қатор тадбирлар ўтказиш режалаштирилган экан...

— Ҳа, ташкилотимиз ўзининг катта байрамини нишонлаш арафасида. Бу таъналарни ёлда саклаиб қоладиган эғиб ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўридик. Анжуман таъинот ташкилотлари, шу жумладан Ешлар Иттифоқи ҳам иқтисодий қийинчиликларини бошидан кечирмоқчи. Байрам таъналарини ўтказиш эса анча сарф-харajatлар талаб этади-ку?

— Бу борада бизга Тошкент шаҳар ҳокимлиги катта ёрдам беришти. Шаҳар Ҳокими Аҳмадбек Фозилбеков анжуманимиз ва байрам тадбирларига кетадиган барча сарф-харajatларни шаҳар ҳокимлиги қоплашини айт-ганларида очин, беҳад қувондик. Моддий томондан қий-налоб турган чоғимизда қилинган ақойиб тўёна бўлди. Бунинг учун беҳад миннатдорим.

— Рашид ака, 30 апрель кунини белгиланган тадбирлар ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Шаҳар ёшларининг XXXII анжумани 30 апрель кунини соат 9 да ўз ишнини бошлайди. Тўшқилика байрам дастурхони ёниб иштирокчилар ва меҳмонларга ош тор-тиш ниятидами. Сўнг соат 16 да А. Навоий номида театр биносидан ташиқли санъат усталари иштирокида катта байрам концерти бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча собиқ ҳаммаслабларимни, 1919 йилдан то шу кунга қадар ёшларга етакчилик қилиб келган, келаётган, ташкилотимиз раънақига оами-қўпмин ҳисса қўшган барча аълод вакилларини байрам қувончи-мизга шерик бўлиб сафимизни тўлдириб туришларини ис-тардим. Улар шу кунга ҳеч тортинмай даврмизга мар-ҳамат қилсинлар.

— Ёшларга қандай тилакларингиз бор?

— Юртбошимизнинг «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!» деган сўзлари ташкилотимизнинг ширинига айлан-ди. Истардимки, ҳар биримиз ана шу сўзлар замирида ётган чуқур мазмунини тўла англаб қон-қонимизга сингди-риб олсак, Қолаверса, белида, қўлида куч-қуввати бор ҳар бир ёш ўз-ўзидан «Мен Ватанам, яна юртимга, яна мамлакатимга» деган сўзга, маана шу мақсад йўлида жонқуярлик ила изланар, меҳнат қилар экан, ишимиз доимо олга силиқиберади.

* «Буюк давлат бунёдкорлари»

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Тошкент шаҳар ташкилотининг «Тошкент оқшоми» газетаси билан ҳамкорликда динирини ёшларнинг ватанпарварлиги, республикамиз тарихини йў-лидаги бунёдкорлик ишлари, илмий излашлар, ёшлар етак-чиларининг ташаббускорликлари ва фидойиликларини, бозор иқ-тисодиётига ўтиш даврида ёшлар ва уларнинг ташкилотла-ри олдига пайдо бўлаётган муаммоларини ҳал этиш йўлари-ни атрафлича еритиш ниятида ва Ешлар Иттифоқи Тошкент шаҳар ташкилотининг 75 йиллигига бағишлаб эълон қилган «Буюк давлат бунёдкорлари» танлов яқунланди.

Танлов ҳайъати қарорига кўра:

● Биринчи мукофот — 230 минг сўм-купон — Шўҳрат Армонга «Бугунги ёшлар» (1994 йил 5 март) мақоласи ва «Пойтахт ёшлари» саҳифаларини тайёрлагани учун;

● Иккинчи мукофот — 170 минг сўм-купон Дилшод Ис-роқловга «Киройи ўлинг шундай бўлса» (1994 йил 11 апрель) мақоласи ва шаҳар ёшлари ҳаётини матбуот саҳифаларида ёритиб келадигани учун;

● Учинчи мукофот — 150 минг сўм-купон — Норжурод Мусомаевга «Юрт полвони» (1994 йил 4 апрель) мақоласи учун берилди.

Танлов гўлилари, шунингдек, Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Комитетининг дипломи билан тақдирланадилар.



Кейинги пайтларда Ўзе-кистон Ешлар Иттифоқи аъзолари сони тез суръат-ларда кўпайиб бораётгани-ни қувончли раънақ қий-майди. Ешлар Иттифоқи Тошкент шаҳар ташкилоти ҳам бундан мустасно эмас. Ҳўш, ёшларнинг бу йўлга қа-дам қўйишларига нима тур-ки беришти, уларнинг Ешлар Иттифоқи аъзоси деган ном-га эга бўлиш истаги қандай сабаблар ҳисобига туғилди? Биз шу савол билан бир нечта ёшларга мурожаат эт-дик.

● Дилфуза Ғойибназаро-ва (тўқучи):

— Ёшлик инсонга бир марта берилади, унинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш, ҳар бир сония-сини элу юрт раънақи йўли-га бахшида этиш, эъгу ни-ятларга сарф қилиш лозим деб ҳисоблайман. Бунинг учун одам ўз севган касби бўйича маҳоратини ошириб бориш билан бир қаторда жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиши керак. Ешлар Иттифоқи эса ёшлик йилла-римни мароқли, мазмунли ўтишида катта ўрин тутди, қолаверса, унинг ривожига ўзим ҳам озми кўпми ҳис-самни қўша оламан, деган умиддаман.

● Ҳайрулла Абдуразо-ков (ёш санъаткор):

— Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ёшларимиз орасида маънавий бойлиқдан

ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНГА ТЎЛСИН

кўра моддий манфаатдор-ликка интилиш кўпроқ се-зиляпти. Зеро, уларни бир-бирдан ажратган ҳолда тар-биялаш мумкин эмас. Еш-лар Иттифоқида аъзо бў-лишда асосий мақсадим, ўз қўшиқларим билан ташкило-тимизнинг ёш аълоднинг маънавий дунёсини бойитиш борасидаги саъй-ҳаракат-ларига ҳисса қўшишдир.

● Убайдулла Ҳафизов (аспрант):

— Аслида мен бир пайт-лар яхши ният билан ком-сомолга аъзо бўлгандим. Лекин бора-бора унинг иш-тирокида амалга оширилган эъгу ишларни камситмаган

Ёшларни болалиқдан ме-ҳнатсеварликка, ҳўнарга ўр-ғатиш борасида амалга ошири-лган тадбирлар учун ўқиту-вчилар зиммасига катта масъ-улиятлар юклатилган. Бу борада Яқинсарой туманидаги 25-ме-ҳнат иқтисослашган мактабда олиб борилаётган ишлар диқ-қатга сазовордир. Ўз ишнинг устаси Галина Сандова дарс-ларига ўқувчилар тикувчилик сир-ларини ўргатиш истагида бе-жонидил қатнайдилар.

СУРАТДА: Галина Сандова шогирдлари билан.

ҳолда айтишим лозимки, бу ташкилотдан кўнглим совиб кетганди.

Очиги, комсомол Ешлар

Иттифоқи номини олганда унинг фаолиятида бирор бир ўзгариш бўлишига ишонқирамай қарагандим. Лекин 1991—1993 йиллар ва то шу кунга қадар бўл-ган фаолиятини кузатиб бо-риб бу ташкилот ёшларнинг том маънода етакчиси, раҳ-намоси бўла олишига ишонч ҳосил қилдим. Унинг ёшла-римизни етув, баркамол, ватанпарвар шахслар этиб тарбиялаш учун қилаётган саъй-ҳаракатларидан четда қолмаслик, бу эъгу ишта ўз ҳиссамни қўшиш ниятида Ешлар Иттифоқида аъзо бў-либ кирдим.

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТОШКЕНТ

ШАҲАР ТАШКИЛОТИНИНГ XXXII АНЖУМАНИ ОЧИЛАДИ

● 1919 йил 15 апрель. Тошкент шаҳрида Туркистон ўлкасида бири-чи Ешлар ташкилоти — Ешлар уюш-маси тузилди.

● 1919 йил. Тошкент шаҳар Еш-лар уюшмаси ташаббуси билан Тур-кистон ўлкасининг барча йирик ша-ҳарларида маана шундай ташкилотлар вужудга келди.

● 1920 йил январь. Тошкент ша-ҳар Ешлар уюшмаси Туркистон рес-публикаси ёшларининг курултойини ўтказишга бошчилик қилди.

● 1925 йил 8 февраль. Тошкентда ёшларнинг «Еш Ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасининг биринчи сони нашрдан чиқди.

● 1926 йил 7 ноябрь. «Комсомо-лец Востока» (ҳозирги «Молодежь Узбекистана») газетасига асос солин-ган.

● 1927 йил 4 ноябрь. «Правда Востока» газетасига илова сифатида кашофларнинг «Пионер Востока» (ҳозирги «Азияпресс») газетаси таъсис этилди.

● 1930 йил 1 октябрь. Ҳамза номи-даги театр қошида ўзбек ишчи-ёш-лар театри очилди.

● 1931 йил. «Ленин учкуни» (хо-зирги «Тонг юлдузи») газетаси Тош-кентда чиқа бошлади.

● 1929-1932 йиллар. Тошкент Еш-лар ташкилоти Тошкент қишлоқ ҳўжа-лиги машинасозлиги заводи ва тўқи-мачилик комбинати қурилишига 1.500 йигит-қизни йўнатди. Бу даст-

лабки ёшлар зарбдор қурилишлари-дан бири эди.

ЎЧМАС САТРЛАР

● 1932 йил. Шаҳар ёшлари ташаб-буси билан Пушкин (ҳозирги А. Қо-дирий) номидаги маданият ва исти-роҳат боғи бунёд этилди.

● 1937 йил. Тошкент ёшлари та-шаббуси билан ҳашар усулида ҳозир-ги Алишёр Навоий номидаги Ўзбеки-стон миллий боғи қурилиши бошлан-ди ва 1938 йили ишта тушириди.

● 1940 йил. Бешбўчадаги марк-зий маданият ва истироҳат боғида болалар темир йўли бунёд этилди.

● 1947 йил. Шаҳар ёшлари Фар-ҳод ГРЭСи қурилишини оталиққа ол-ган.

● 1950 йиллар. Бутуниттифоқ ёш-лар зарбдор қурилишларида Тош-кентдан борган 23 минг ёш қурувчи иштирок этди.

● 1956-1957 йиллар. «Пахтакор» спорт мажмуи қурилишида Тошкент-нинг 5 мингдан ортқ ёш қурувчилари ишледи.

● 1966 йил. Тошкент зилзиласи

оқибатларини тугатишда ёшлар зарб-дор қурилишлари аниқсика оммавий-лашди.

● 1975-1980 йиллар. 40 мингдан ортқ йигит-қиз Тошкент трактор за-води, В. П. Чкалов номидаги Тош-кент авиация ишлаб чиқариш бир-лашмаси, Тошкент метрополитени, Халқлар дўстлиги саройи, янги теле-визион минора, бош кийимлар фаб-рикаси қурилишида меҳнат қилдилар.

● 1991 йил октябрь. Ешлар таш-килоти Ешлар Иттифоқи дея юритила бошланди.

○ Қўйида эътиборингизга ҳавола этилаётган суратлар шахримиз ёш-ларнинг турли йилларда кўрсатган фидойиликларини бир ўмрга муҳра-лаган. Юқоридаги чапдаги суратда Тошкент шарниқли подштининг заво-дининг 1950 йилдаги илгирларидан бири Жўра Азизов тасвирланган; ўнгдаги суратда эса Урта Осма дав-лат университетини талабаси Абдул-лаевани кўриб турибсиз. Сурат 1937 йилда тасвирга туширилган. Пастда-ги чапдаги сурат 1962 йили олинган бўлиб, унда бир гуруҳ тошкентлик ёшларнинг Мирзачўлга кетаётган-лиги тасвирланган; ўнгдаги сурат-да 1966 йилги Тошкент зилзиласи кунларидеги талабаларнинг меҳнат-лари тасвирланган. Суратлар Ўзе-кистон кино, расм ва овозли ҳўж-жатлар Давлат архивидан олинган.

* Агар менга сўз беришса...

ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК УЧУН



ЯҚИНДА мен «Соғлом авлод учун» дастури доира-сида ўтказилган илмий ан-жумалардан бирида қат-нашгандим. Унда сўзга чиқ-қанларнинг барчаси аҳоли орасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммавий-лаштириш лозимлигини та-кидладилар.

Кўп бўлгани йўн, биз Тош-кент шаҳридаги техникум-лар ўртасида ўзига хос спартакиада ўтказиш ташаб-буси билан чиқдик. Чилон-вор туман ҳокимлигида ҳам бизни қўллаб-қувватлашди. Лекин спорт анжуманининг йўнлиги бос муносабатимиз-ни уюштира олмадик.

Яқинда техникумимиз ёшлари менга ишонч билди-риб ўзларининг етакчилари этиб сайлашди, демак 412 та аъзоси бўлган бошланғич ташкилотимизнинг келажа-ги, унинг гуллаб-яшнаши учун бор масъулият зми-мамда. Агар 30 апрель ку-ни бўладиган анжуманда менга сўз беришса иштирок-чилар диққатини биринчи

навбатда ёш аълодни соғ-лом этиб тарбиялашда Ёш-лар Иттифоқининг роли катта эканлиги, ҳаваскор спортчиларни қўллаб-қув-ватлаш, рағбатлантириш асо-сий вазифаларимиздан бири бўлиб қолгани лозимлигига қаратишга ҳаракат қилган бўлардим.

Илҳомжон ТўХТАЕВ, Тошкент ҳўқуқшунослик ва илмийой татқиқот техникуми ўқитувчиси, ан-жуман қатнашчиси.

* Сўз—анжуман қатнашчиларига

ЮТУҚЛАР

ГАРОВИ—

ҲАМКОРЛИКДА



Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар ташкилотининг XXXII анжуманида «Паризод» ти-кувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ёшлари вакили сифатида уч делегат ишти-рок этди. Кейинги пайт-ларда бирлашмада Ёшлар Иттифоқи томонидан қатор диққатга сазовор тадбирлар-нинг юқори савияда ўткази-лиши унинг ёш ишчилари-миз ўртасидаги обрўсининг орттишига, натижада аълола-римиз «сонининг ҳам кўпа-йишига олиб келди. Бу бора-да бизнинг бирлашмамиз бош директори Шўҳрат ака Акро-мов ва Ёшлар Иттифоқи Яқ-касарой туман ташкилоти ҳар томонлама қўллаб-қувватла-ётди. Мен биздан ёрдамни аймаётганларни бежиз мисол тариқасида келтирмадим. Чунки катта авлод вакиллари, таърибли етакчиларнинг ўринли маслаҳати, кўрсатма-лари, лозим пайтда берган моддий ва маънавий ёрдами аниқсика ишчи касбини ардоқ-лаб келадиган ёшларнинг кўнглини тоғдай оқсакларга кўтарди. Зеро, авлодларнинг ўзаро ҳамжиҳатлик, тенглик, ишонч асосига қурилган ҳў-корлигига нима етсин!

Мунаввар МЕҲМОҲУЖАЕВА, «Паризод» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашма-си ёшлари етакчиси.

МУНОСИБ ВОРИСЛАРИМIZ

Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар ташкилотининг XXXII анжумани мен иштирок эта-ётган биринчи йирик тадбир бўлгани, қолаверса, унинг ташкилотимизнинг 75 йилли-гига тўғри келганлиги бил-ан бутунлай ўзгача мазмун касб этади. Айни пайтда билим олиш билан бир пайтда мактабимизда фаолият кўр-сатаётган бошланғич ёшлар ташкилоти раиси ёрдамчиси сифатида тадбирлар уюшти-риш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўткази-шлари учун шароит яратиб беришга йўналиштирилган ишларда баҳоли кудрат иш-тирок этиб келаятирман.

Имкониятдан фойдаланиб ўзимни ўйлантираётган баъ-зи бир масалалар ҳақида тўх-талмоқчиман. Бизнинг макта-бимиз ҳинд тилини мукаммал ўргатишга иқтисослаштирил-ган.


Мен келажакда шифокор бўлишни, имкон топилса Евро-па, АҚШ университетлари-да таълим олишни иста-йман. Демак биология, киме, инглиз тили дарслари менинг энг сўйган фанларим бўлмо-ғи, билимим мустаҳкам экан-ига ишончим қомил бўлиши лозим. Бу борада дастлабки қадамларни ташлаб туман,

шаҳар миёсидида ўтказилган олимпиадаларда қатнашиб фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдим.

Валики киндир нега энди бу қиз фақат режалари ҳақи-да гапиряпти, деб ўйлаётган-дир. Менинг фикрим эса ўзгачароқ. Ваҳоланки, дав-латимиз, ҳўкуматимиз, шах-сан Президентимиз ёшлар-нинг етув инсон бўлиб камол топиш йўлида барча шарт-шароитни яратиб бераётган эканлар, биз ҳам ўз навбати-да бу ишончини қандай оқла-ётганимиза ҳусусида халқи-мизга ҳисоб бериб туриши-миз лозим. Токи ота-ўналаримиз, бува-бувиқонларимиз ўзларининг муносиб из-дошлари волга етаётганини кўриб қувонишсин.

Иббола РАШИДОВА, 144-мактаб ўқувчиси.

● Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Тошкент шаҳар таш-килотининг XXXII анжумани ва ташкилотининг 75 йили-гига бағишланган саҳифани ташкилот матбуот котиби Шайдо ҲУДОЕВ ва «Тошкент оқшоми» муҳбири Шўҳрат АРМОН тайёрладилар.



БУ тошни одамлар қадимдан эъзолаб, авайлаб юрганлар. Унинг гузал товланиши, тиниқлиги, шаффофлиги, асрлар давомида ўзгармаслиги, пишқ ва мустаҳкамлиги бунга сабаб бўлган. Уни форслар «заргун», араблар «заркун» — яъни олтин рангли деб атаганлар бекиз эмас. Уни ғиацинт, жаргон, старлит, яхонт ва бошқа шу каби номлар билан атаб келганлар. Асосий номи эса циркон («саргун»дан олинган) сифатида кенг тарқалгандир.

* Товланадиган тош сирлари

Олтин янглиғ ялтирайдиган

Циркон минерали ҳозирги даврда икки муҳим элемент — цирконий билан гафнийнинг табиий хом ашёси ҳисобланади. Ушбу элементларнинг силикатида ташиқ тошган тош бўлиб, кўп йиллар давомида асосан заргарлик саноатидан қўлланилиб келинган. Эндиликда эса ушбу ҳам, унинг бирикмалари ҳам ниҳоятда кўп соҳаларда ишлатилмоқда. Ундай олинувчи тоза цирконий ўзидан нейтронларни тўла равишда ўтказувчи ягона элементдир. Бу билан у ядро техникасига алмаштираб бўлмайдиган металлдир. Тажовузор муҳитлар, юқори даража, совуқ, кислоталар, ишқорлар, тузлар таъсирига берилган майда мустаҳкам материалдир. Шунинг учун ҳам ундай ядро реакторида кенг фойдаланилади. Уни бекорга уран «кийим» деб атамайдилар. Циркон ҳам, цирконий ва унинг ўзга бирикмалари ҳам металлургияда, шунинг билан чидамли қўшмалар тайёрлашда, ўтга чидамли буюмлар корхоналарида жуда кўп қўлланила бошладилар. Циркон таркибда учрайдиган гафний цирконийга қарши ўлароқ нейтронларни ютувчи материаллардан ҳисобланади. Нейтронлар бу элементдан умуман ўтмаслиги билан белгиланади. Гафнийнинг бу хусусиятидан ҳам ядро реакторларида кенг фойдаланилади.

Циркон тошининг майда қум ҳолдагиси куймайдиган сувоқларда, жуда юқори ҳарорат таъсирида хизмат қилувчи буюмлар тайёрлашда, керамика, абразив материаллар саноатидан, махсус шишалар ва циркон концентратлари тайёр-

лашда қўлланилади. Сансоничи йиллар ўрталарида дунё миқёсида етти юз элик минг тоннадан ортиқ ишлаб чиқарилган циркон концентратининг турли соҳалар учун ишлатилганлиги фикримиз далилидир. Илмий адабиётлар бу миқдорнинг тўқсонинчи йиллар бошларида янада ўсганлигини даража беради. Қарангки, кўп асрлар давомида Ҳафат заргарларга хом ашё циркон эңдликда энг оғир шароитларда хизматни адо этаётганлиги қизиқарли ва аҳамиятлидир. У атом энергетикада фойдаланилади, пулат яратиш каби муҳим ишларда инсониятнинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб қолди. «Олтин янглиғ ялтирайдиган» бу тошга қизиқиш борган сари кучаяётганлиги бекиз эмас. Циркон тоши уч минг даража ҳарорат таъсирига чидамли бўлганлиги, унинг турли заҳарли ва зарарли газлар таъсирига бефарқлиги, чўйи қуйиш ишларида, шиша пиширини асослари учун қимматли қопламалар тайёрлашдаги ўрни, юқори вольтли электр токи учун электрчини олишда ишлатилиши, эмал, турли хил сирлар, инфрақизил ва ультрабинафша нурларини ютувчи оптикалогик шишалар ишлаб чиқарилишидаги хизматлари бекиз аҳамият касб этади. Циркон бирикмалари чармни ошлашда, қороз, чарм, картон ва газмолларни сув юймайдиган қилишда, дезодорантлар тайёрлашда ишлатилмоқда.

1976 йили сувғий тошлар тарихида эсда қоларли йил бўлди. Бриллиантлар ўрнида ишлатиладиган фианит (Фанлар академиясининг физика институти номидан)нинг яратилиши катта воқеа бўлди. Бунда цирконий дисидининг кўб ҳолдаги модификацияси бўлган фианит ўзининг оптик хусусиятлари билан бриллиантга яқин турадики, буларни ҳақиқий бриллиантлардан ажратиб қийиндир. Фианитлар эңдликда нафақат заргарликда, балки асбоблар тайёрлашда, квант генераторларида, лазер техникасида, кимё ва металлургия саноатидан кенг қўлланила бошладилар. Фианит оддий шарафатли электр тоқини ўтказмайдиган материал бўлиб, изоляторлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда. Агар фианитни уч юз даража ҳароратга қийиндирса, у тоқ ўтказадиган бўлиб қолади. Унинг бу хусусиятидан техникада фойдаланилмоқда. Фианитдан ясалган электродлар қимматли хусусиятлари билан техникада учун қизиқтириш тугдирди. Унинг механик ва антикоррозия хусусиятлари бўйича юқори ўрнларда турувчи цирконий ва тағйинларни саноатчи циркон минералининг келажикдаги порлоқ бўлиб, айниқса техникада ишлатилиши соҳалари янада кўпайди ва ривожланади.

Қудрат АХМЕРОВ,
профессор.

* Билиб қўйган яхши «Лакшми ғалабаси» дургайи

ПАХТАЧИЛИКДА ҳар йили дургайнинг янги турини яратиш усулини қўллаётган ягона мамлакат — Ҳиндистондир. Биринчи марта «Дургай—4» оли-наб, ишлаб чиқаришга жори этилди. Уни доктор С. Пател маҳаллий «Гужерат—67» навиин Американинг Безнектаринов нави билан чатиштириш натижа-сида олди. Бу ажойиб са-мара берди — энг яхши йилларда гектардан 10—12 центнер ҳосил олинган сер-уном ерларда дургай 5—7 центнердан ошмайдиган Ҳиндистонда шундай ҳодиса рўй берди. 1975 йилда 600 минг гектарга, кейинги йилларда ундан ҳам кўпроқ майдонга дургай чигитлар экилди.

Шундан сўнг селекция муассасалари гетероизис селекцияси — беқеъ ҳосил берадиган дургайлар яратиш билан фаол шуғуллана бошладилар. Турларро дургай Варагай Варалакшми пайдо бўлди. Уни Ҳиндистоннинг Лакшми навиини нигишга толали нав билан чатиштириш орқали олинди. Кейин ҳиндуларнинг ҳосил ва мўл-қўлчилик худолари номига қўйилган Жайлакшми дургайи бўлиши «Лакшми ғалабаси» ва «Лакшми шавкати» яратилди.

Ишлов бермай

дамланадиган чой

ҲОЗИР дунёда чой ишлаб чиқариш бўйича биринчилиги Ҳиндистон эгаллаб кетмоқда. 400 минг гектарга яқин майдонда етиштири-лаётган ҳосилини териб олиш ишлари март ойидан декабргача давом этади. Ҳинднинг йирик баргли чой навлари билан машҳур бўл-ган миллий маҳсулотнинг яримдан кўпроги Ассом штатининг қуйи қисмларида етиштирилади. Ҳар бир те-рамчи кунига 20—30 кило-граммдан уст қисмиданги майин барглари тиради.

Юқори Ассом —ўртача ва майда баргли хитой навлари етиштириладиган тоғли Даржиллинг райони жаҳонда тенги йўқ «дар-жиллинг» чойларини ҳам ет-казиб беради. Ҳинд чойи-нинг ана шу ноёб хилини ҳеч бир ишлов бермасдан туриб, қандай ҳолда териб олинадиган бўлса, шундай-лигича дамлаш мумкин. Бунинг сирини Даржиллинг музофотининг иқлим шаро-итидадир. Денгиз сатҳидан икки минг метр балиндли-даги мусатфо тоғ ҳавоси, юқори қуёш нури, намин яхши ўтказадиган ҳосилдор тупроқ бор бўлиб, иссиқлик билан серёгингарчилиги ўзаро уйқашиб кетади.

Ҳосилнинг учдан бир қисмини Ҳиндистон ярим оролининг Шарқий ва Ғар-бий Гатлар учрашадиган чекка қисмидаги Тимилнад ҳамда Керала жанубий штатлари беради. Ҳосил йил-ишим-терими бу ерда амал-да бутун йил бўйи давом этади.

* Орол денгизи тарихидан

ЙИГИРМА БИР МИЛЛИОН ЙИЛ АВВАЛ

Яъни Қайнозой даври-нинг ўрталарида Орол Каспий денгизига қуйилган, бу ҳолат 1573 йилгача да-вом этган. Амударё Каспий денгизига, Тўрғай дарёси эса Орол денгизига қуйил-ган.

Эрамининг 950 йили Ибн-Рустанинг замондоши Масулий «Балиқ дарёси келиб қуйиладиган Жайхун (Амударё) Тармил, Испир-ран каби бир неча қисмга бўлиниб, бир тармоғи Хуро-сон билан каналларга бў-линадиган Ховарезм (Хо-разм) — Қиёт шаҳрининг қуйи Жўржония (қадимий Урганч) қирғоғига яқин қўлга қуйиладиган» деб ёзиб қолдирган. Олимнинг қўл-дегани ҳозирги Орол де-нгизидир.

Бундан 1800 йил ав-вал яшаб ижод этган маш-ҳур юнон олими Клавдий Птолемей ўзининг «Алма-гест» («Буюк қурилиш») де-ган асарига Ер шарининг 27 қисмдан иборат харита-сини тўзган. Унинг 22-хари-тасида Орол ва Каспий де-нгизлари тасвирланган эди. Унда Зарафшон ва Амударёларнинг Каспий де-нгизига қуйилиши кўрса-тилган.

Хива хони Абдулғози «Менинг тарихим» деган асарига «Мен туғилмасам-дан 30 йил аввал Амударё-нинг суви «Хастиниордан юқориданги Тук қўрғони ор-қали Оролга қуйилган. Шундай қилиб, Урганч ку-руқликда қолди» деб ёзган.

Сайёх Марко Поло Амударёга «Йон» деб ном берган. Сирдарё (Яксарт) эса ҳозирги Бухоро вилоя-тидаги Қулиқуқ тоғининг

шарқий қисми бўйлаб оқ-қан.

Орол денгизининг ши-мол томонидаги Сарчиганоқ яқинидан 80 метр чуқур-ликда Олигоцен даврида ҳаёт кечирган қизил балиқ ва китнинг тошга айланган умуртқа суякларини топишган. Бу маълумот ўша даврда денгизнинг уммонга қўшили-бошлаганидан далolat бе-ради.

Геологлар мезозой дав-рида уммон остида ҳаёт кечирган фора менифор де-ган хайвондан пайдо бўла-диган бўр юннини Орол денгизининг шимолида жойлашган Қилич қўлидан топишган. Орол яқинида бундан ташқари акулянинг тиши ҳамда суяги топишган. Эрамингача бўлган 138 йили Хитой элчиси Чжан-Кянь ўзининг эсдэли-ларида «Қанчой мамлақати жарли, қирғоқсиз катта де-нгизнинг ёқасида жойлашган. Бу шимолий Орол денгиз-дир» деб ёзиб қолдирган. Ўша пайтларда Қанчой мам-лақати ҳозирги Фарғона вилоятининг Афғонистонга-ча бўлган ҳудудини ишғол-этарди.

Орол денгизини шу но-мин олгунга қалар ҳар хил атайиб келинган. Бунга далил ва ҳужжатларини са-ҳатчиларнинг асарларида уч-ратиб мумкин. Масалан, 885 йили Ибн-Хорлатбек «Қурдор» қўли деса, 943 йили Масудий «Қуржон», 961 йили Истахрий «Қаз-бин», 1339 йили Хафизий «Абруда», XIII асрда Бек-рон «Йендт» қўли деб ёзишган.

Қидирбой ТҒАЛБОВЕВ
тайёрлади.

* Кекса юрак мавжлари

РУБОНЙЛАР

Газетада кўрдим ҳуснинг варақлаб, Маломат қилганим борсам сўроқлаб, Мардикка муюсиб қилган ишларим, Мен боргучча кетма яна узоқлаб.

Қаттиқ нов туюлса талқон бўлади, Очликда нисонга қалқон бўлади. Нонин сен азияда, қўзини та сургин, Қўрлабон бошини та соқон бўлади.

Ҳасад-ла қўз тикма меҳнат элига, Жирканиб сўқинма қадқоқ қўлга. Ҳалол меҳнат билан етур мақсадга Ғов бўлма бахтига, ойдин йўлга.

Табассум бирла беришди Лабинг лаллининг бол ичра, Таҳайло тонмагай ёқут Агар дурри зилол ичра.

Ажабким гўнча лаб очмиш Саҳар будбул фиғонидан, Нечун лаб очмагай дилбар Кўриб ёриң завол ичра.

Кетди олам, кетди умрим, яхши дамлар кетдилар, Бебақо деб бу фалақини кўп азизлар айтдилар. Меҳр қўйма молу мулкка гар ёқандан тута ҳам, Хоруну тахти Сулаймон қайси ерга етдилар.

Файзулло ХАЙРУЛЛО.

* Бўш вақтларинида

ТОПҚИРЛИГИНИГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

НОБЕЛЬ мукофотининг соҳиби Эрнест Хемингуэй кимли-гини яхши биламиз. Унинг «Килиманжаро қори», «Алвадо, қурол», «Чол ва денгиз» сингари беназир қисса ва роман-ларини ўқувчилар ҳозир ҳам изтироб ва қувонч билан ўқийди. Унинг авлодларидан биронтаси бобоси издан-борганимиз! Унинг машҳур «Невараси Маризль Хемингуэй-нинг шўхрати бобосиникидан кам эмас. Фақат у адиб эмас, актриса, кино юлдузи.

Бунос—Айресдаги «Алвар» меҳмонхонасининг пальма ва орхидеялар барқ уриб ўсиб ётган ёзги боғида яшаётган қомати ниҳоятда кўркам, оппоқ сочлари тўғиб ётган, бош-дан-оёқ қора кийинган Маризль худди ноёб тропик ўсимли-гининг ўзгачаси эди. Нега Маризль бундай лоқайд кайфият-га тушиб Аргентинадаги бир мўъжаз боғчада тарки дунё қилиб ётибди. Ахир у Голливуднинг юлдузларидан бири эдику! Доимо журналистлардан овчидан хурккан кийикдек қочиб юрадиган буюк адибнинг невараси нега журналист-лар билан бажонидил сўхбатлашяпти! Унинг сўзларига, латофатига маҳлиб ҳамсўхбати, ҳатто ўзини ўнатиб қўйиши ҳеч гап эмас.

* Жаҳон маданияти юлдузлари

АГАР БУ АЁЛ ЁЗУВЧИ БЎЛГАНИДА

эҳтимол бобосидан ҳам ўтиб кетарди

— Фақат бобом ҳақида сўрамайсиз. — Шарт қўяди Маризль.

— Нега! Ахир буюк ёзувчининг набирасисизку! — Ўзим ҳақимда сўзлай. Ахир бобомнинг ижоди қанча-лар шаддатли бўлганини биласиз. У ҳатто мени суёб, эр-ка-лашга ҳам гоҳида вақт топишмасди.

— Ҳўп. Яхши... Бобонгиз ҳақидаги хотираларини эшитиш қанчалик лаззатли бўлмасин, тақлифингизни қабул эттиш. Бунос—Айресга сизни қайси шамоол учирди.

— Утган йили Аргентина пойтахтига ташриф буюрдим. «Маризль» номи анги атирини режиссера қилдим. Айни пайтда икки теледастурни ёзиб олиш ҳам режиссера бор эди.

— Дастур ўз йўлгану, лекин сиз режиссёр ҳам бўлмоқчи эмисизми?

— Эрим билан икковимиз кинокомпания эгасимиз. Кунин кеча икки бадий фильмни суратга ола бошладик. Уларнинг бири Венецияда лентага кўчирилди. Бунда мен бош ролни ўйнайман.

— Агар сиз бўлмаса, нима ҳақда фильм?

— Майл Дуглас билан Шарон Стоуннинг «Асосий сезги» бадий фильмни кўрганмисиз? Ушанга ўхшайди.

— Э-э, Шарон қатнашган фильмга ўхшаса қип-қизил эро-тика эканда!

— Йўқ-йўқ, жуда унмақ эмас... Хабарингиз йўқдир, мен Майкл Дуглас билан бош ролда суратга тушишига озгина қолувди. Синов картиналари ҳам олинмади. Бирданига қақ-дандир Шарон Стоун пайдо бўлиб қолди. Ролни илб кет-ди. Унга ҳасад қилипти дедим. Биз кадрдон дугонамиз у билан.

— Икковини фильм нима ҳақда?

— Бунисида ҳам шаҳвоний саҳналар йўқ. Бу шунчаки дилмақ комедия. Мен журналист қиз ролини ўйнайман. Жуда ҳам қизик, қўлгили воқеаларни бошимдан кечирман.

— Маризль хоним, сизга омад қўлиб боқмаётганга ўх-шайди. Ҳали Шарон ролингизни илб кетади. Ҳали Мадон-на...

— Вой, кетма-кет келишини қаранг! Билмаган одам омадсиз деб ўйлаш турган гап. Лекин Мадонна билан бирга ўйнолмаганимга сабаб телесериал билан ниҳоятда банд эдим. Нечора, пешонада бор экан. Лекин Голливудда қизлар эркакларни бир четга суриб қўяпти ҳозир. Бу оғиззалар ҳужуми эмас, балки истёвдоли актрисалар кўпайиб кетаяпти. Мен эса улар қаторидан четда қолишни истамайман. Албатта катта кинога қайтман.

— Вуди Алленнинг «Мақкеттен» фильмида суратга туш-ганингиздан сўнг жуда машҳур бўлиб кетдингиз. Юлдузга айландингиз. Унинг бошинга собиқ рафиқаси машҳур ак-триса Миа Ферроу билан ажрашганда тушган мижероларни қандай қабул қилдингиз?

— Ҳаммаси ёлгон гаплар! — Маризль чўрт кесиб гапирди. — Вуди Голливуднинг худоси. Уни лойға қоришни кўплар орзу қиларди. Баъзилар унинг қўлашдан лаззатланишни, топташни орзу қилишди. Мна билан эса дўст эдим, дўстли-гимизча қолдик. Мен ўша қора кўнларда унга ҳамдард бўл-ганлар қаторида эдим.

— Шоу-бизоннинг ўзига хос метин қонунлари бор экан-лигини айтиб ўтиш керак эмасдир...

— Мана шунинг учун ҳам Голливуд маъбудаларидан четроқда қораман-да. Лос-Анжелосдаги шиная уйимдан чиқиб яна шу дунёга кириш мен учун даҳшатнинг ўзгача-си...

— Кейинги йилларда нима билан шуғулланингиз?

— Кинода суратга тушдим. Ойлам билан бандман. 6 йили, 4 йили икки қизим бор. Бирим ширинки! Кейин вегетариан-лик йўлига ўтдим.

Ардоқли шоиримиз Ға-фур Ғўлом ўзининг гул ҳа-қидаги шеърида шундай ёган эди:

Гуллар бағрини ёзди,
боз қўярсин,
Кўярсин, қизларингдай
соз қўярсин.
Чаман шайдош шовр
шеъри янгли,
Ҳамини ҳар баҳор, ҳар
ёз қўярсин.

Энг яқин кишиларига ҳустлик ва меҳр-муҳаббат рамзи сифатида гул тақдим қилинади. Ҳатто ошқ-маъшуклар ҳам бир-бирла-рига бўлган чексиз мухаб-батларини шу гул орқали изҳор этадилар. Висол оқшоми тантаналарида гул тўйхонани безайди. Туғил-ган чақалоқни гул билан табриклаш эса бизда одат тусига кирган.

Ораида анвойи гуллар-га завқ-шавққа тўлиб, боқ-маган, улардан лаззатлан-маган киши топиломаса ме-ран, Одамзоднинг гулларга бўлган меҳр-муҳаббати ва шайдолиги қадим замонлар-дан буюн давом этиб кела-ди.

Саҳий табиат бизга тур-ли-туман гуллар инъом қил-ган. Шу гуллар орасида ўзининг дилнаш ранги, жозибали кўриниши, нафис-лиги билан ажралаб тура-диган гуллардан бири тоғ қизин — тоғ лоласидир. У юртимизда қадим замон-лардан буюн ўсаятганлиги

билан гули йирик, ранги-тиник, банди бақувват на-вларни етиштиришга эришган-лар. Улар гул ва лола кў-пайтиришнинг замонавий усулларини такомиллашти-риш азияти лола пёшини дунёнинг кўпгина мамла-катларига етказиб бермоқ-далар.

Республика Фанлар ака-демияси Ботаника боғи-нинг илмий ходимлари, гул-шунос олимлар Амин Аб-дурахмонов, Асадулла Шариповларнинг таъкид-

лик авжига чиқади. Сўнг-ра ниқоб кинган «девлар» пайдо бўлади, улар ҳам ўй-найдил. Ҳамма ёқни музика, ашула, қўлги товушлари қоплаб олади. Томоша тоғт-отунча давом этади... Оммавий халқ сайиллари-нинг бир нечасида қатнаш-чан элшунос олим, тарих фанлари доктори, профес-сор Е. М. Пешерова собиқ Кўқон уездининг Исфара қишлоғида жуда қизиқарли ўтган лола сайлини шундай таърифлайди: «Маросим

* Табиат—ҳаёт чашмаси

ТОҒ ҚИЗИНИНГ НАФИСЛИГИ



